
ЖОРИЙ МАВСУМДА ФАРҒОНАДАН ҚОВУН ЭКСПОРТИ ҲАЖМИ 1 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН ОШДИ

2022 йилнинг июнь-июль ойлари мобайнида Фарғона вилоятида етиштирилган 2 минг 100 тонна қовун экспортга йўналтирилди. Вилоят божхона бошқармаси томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларга кўра, икки ой давомида Фарғонадан қовун экспорти ҳажми 1 миллион доллардан ошди.

Экспорт географиясига келсак, ушбу маҳсулотларнинг катта қисми – 69 фоизи Россия Федерациясига жўнатилди, қолган қисми Беларусь, Германия, Чехия, БАА, Польша, шунингдек, қўшни Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилинган.

Маълумот ўрнида, ўтган 2021 йилда Фарғона вилоятидан қиймати 1,8 миллион долларлик 4,9 минг тоннага яқин қовун хорижий бозорларга етказиб берилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-10 11:26:04